

Маориф ва маданиятга ниҳоят даражада сувсагон Туркистонда уч ярим йиллик инкилоб давринда эзилган халқнинг тараккий ва таолийси учун нима ишлар қилинди, қандай муассасалар вужудга келтирилди?

Бу улуг саволга ақчил бўлса-да, тубандаги сўзлардан бошқа тўғрироқ жавоб тополмаймиз:

Бу уч ярим йиллик инкилобий даврда кўп сўзлар сўйланди. Митинглар қилинди, ташвиқотлар этилди. Ва гоёт яхши қарорлар чиқарилди. Лекин йўқ даражасинда оз иш қилинди. Мактанурлик ва ифтихор этурлик ишлар хануз ишланмади.

Халқнинг олдин бориши, юртнинг тинчланмоғи ва қучли бўлмоғи маориф, аскарлик, иқтисод ва дехқончилик ишларининг тузук бир-бирига қўйилиши билан бўладурким, маалтаассуф, бу тўғриларда хануз халқ учун фойдали ва кўзга кўринурлик ишлар қилинган эмас.

Маориф ишлари гоёт паришон бир ҳолдадир. Мактаб бор, дуруст муаллим йўқ. Талаба бор, лекин унга кераклик китоб йўқ ёки мактабда қифоя этатургон асбоб (мисол, парта, печка, ўтун) йўқ. Бу ҳолда биз маориф ишлари тевишли йўлга қўйилган дея олмаймиз. Аскарлик жихатидан ҳолимиз ундан ҳам ёмондир. Ҳолбуки, юртни сақламок ва халқнинг тинчлигини тайин этмак учун аскар керақдир. Туркистоннинг ерли аҳолисиндан аскар олмок учун марказда яхши қарорлар чиқарилган ва бултур аскар олина бошлагон бўлса-да, бу ишдан хануз яхши бир натижа кўра олганимиз йўқ.

Агар бизнинг бошқа қарор ва ишларимиз ҳам шунингдек эътиборсиз ва натижасиз ўтуб кета берса, биз бу ҳол билан дунёда ҳеч бир иш қила олмаймиз.

Зироат ишлари аввалги ҳолидан ҳам неча даража кейинда қолди. Биз инкилоб даврида зироат ишларини бир йўлга солмок ўрнида дехқонларни таладик. От ва ҳўқизларини олдик, отрядлар юбориб дехқонларни таёқ ости қилдик, хотун, бола-чақаларининг ор ва номусига тажовуз этдурдик. Мунинг билан уларнинг қўнглини ишдан совутдик. Охири, бу ишларимизнинг хато эканлигини билиб энди алар билан тўғри муомала этарга

бошладик ва аларга ёрдам бермаклик лозимлигини англадик.

Сўз маносабати келгач, «Тил масаласи»дан бир оз ёзайлук.

Туркистонда аксар аҳоли мусулмон бўлдиги эътиборга олиниб, мундан уч йил бурун туркча тил - расмий давлат тили деб эълон этилса-да, буни амалга киргизмак учун хануз жиддий тадбир кўролмадик. Балки бу «эски хаммом-эски тос» мазмунича кўп махкама ва идораларда хануз рус тили ҳукм фармойишдадир.

Ҳукуматнинг идора ва махкамаларида туркий тилни ишлатмак учун бошлаб таржимонлар, мирзолар ва бухгалтерлар етишдурмак керак эди ва мунинг учун керакли ишлар хозирламак лозим эдики, маалтаассуф, бу ишлар бу кунгача ишланмади. Шунинг учун бу қарор ва буйрук-дан ҳам яхшироқ натижа чиқмади. Юқоридаги баёнотдан маълум бўладиким, биз хануз «сўз» ва «қарор» даврида бўлиб, бу уч ярим йиллик инкилоб замонида буйрук, қарордан бошқа жиддий ва фойдали бирор иш кила олмагон ва бошлагон ишларимизни тинчлик бир йўлга кўя олмагон эканмиз. Энди қурук сўз ва қарорлардан тўйдик. Энди бизнинг ишламакимиз керак. Ва иш билатургон ишчилар етишдирмогимиз керак!

*«Меҳнатқашлар товуши» газетаси, 1921 йил, 26 май*